

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КОШЕВА ДИЛРАБО ХУДОЁРОВА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ
СЕМАНТИК ТИПОЛОГИЯСИ, ЎЗARO ТАРЖИМАСИ ВА
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: [811.111`367.625:811.512.133`367.625]:81`255.2

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) in
philological sciences**

Кошева Дилрабо Худоёровна

Инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг семантик типологияси,
ўзаро таржимаси ва лексикографик талқини..... 3

Кошева Дилрабо Худоёровна

Семантическая типология, перевод и лексикографическая интерпретация
глаголов речи в английском и узбекском языках 27

Kosheva Dilrabo Khudoyorovna

Semantic typology, translation and lexicographic interpretation of English and
Uzbek speech verbs 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КОШЕВА ДИЛРАБО ХУДОЁРОВА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ
СЕМАНТИК ТИПОЛОГИЯСИ, ЎЗARO ТАРЖИМАСИ ВА
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.2.PhD/Fil1302 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич
филология фанлари доктори, профессор

Ходжаева Дилафрўз Иззатиллоевна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» сентябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1140 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «06» сентябр куни тарқатилди. (2022 йил «06» сентябр даги 22-05 - рақамли реестр баённомаси).



Д.С.Ўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жамиятимизнинг олим, тадқиқотчи, таржимон, ўқувчи каби қатлами, бошқа илмий салоҳиятли кишилар инглиз тилидаги мазмун доираси ҳамда шакли турфа бўлган матн ва ахборотларни таржима қилиб, кенг аҳоли қатламига фойдаланиш учун етказиб беришмоқда. Яна тил билишга қизиқиш, турли халқларнинг жаҳон фани тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган маданий-адабий дурдона асарларини оммалаштириш нияти асосида таржима қилиниб, китобхонларга тақдим этилмоқдаки, уларнинг лингвистик тадқиқи таржимада аслият ва адекватлик хусусиятларини очиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида феъл туркумининг морфологик, лексик-семантик, стилистик хусусиятлари, маъновий гуруҳларини қиёсий аспектда тадқиқ этишга эҳтиёж тобора ошмоқда. Бунинг натижасида инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг семантик типологияси, ўзаро таржимаси ва лексикографик талқинини ҳам аниқлаш заруриятга айланган. Структур жиҳатдан бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи инглиз ва ўзбек тилларида нутқ ҳаракати маъноларининг умумий хусусиятларини, семантик классификациясини, ўзаро муқобилларини аниқлаш таржима жараёнида юзага келадиган тиллараро номувофиқликларни бартараф этиш юзасидан илмий далилланган концепцияларни ишлаб чиқиш имконини бериши билан муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга алоҳида урғу берилмоқда. Параллел равишда она тилимизни бойитиш, умумжаҳон ахборот коммуникация соҳаларида қўлланиш қўламини кенгайтириш ва ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида ҳам сўнгги йилларда аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, «...илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим, ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт»дир.¹ Бу стратегик режаларга тилшунос ва таржимашунослар фаолиятининг мослигини таъминлаб, тил концептларининг чоғиштирма аспектда систем, лексик-семантик, лексикографик ва таржима хусусиятларини очиб бериш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. 25.01.2020 й.

“Мамлакатимизда ўзбек тилини янада риволантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунос олимлари орасидан Б.Левин инглиз тилидаги феълларнинг энг кенг кўламли семантик классификациясини яратган². Шунингдек, инглиз тилидаги феълларнинг лексик-семантик, морфо-синтактик, диахрон хусусиятлари тадқиқини Г.Лич, Э.фон Глейзерсфельд, А.Корхонен, Т.Бриско, А.Миура, В.Эгбейдо, Ф.Палмер ҳамда бошқаларнинг илмий мақола ва монографияларида кўриш мумкин³. Ўз изланишларида инглиз тилидаги феъллар ва уларнинг турли аспектларига эътиборини қаратган ҳозирги давр русийзабон тилшунос тадқиқотчилари сафига А.Дрозд, Р.Айрапетян, Р.Мурясов, З.Тодосиенко, Е.Ярема ва бошқаларни киритишимиз мумкин⁴. Бадиий таржима табиати ва контекстуал

² Levin. B. English verb classes and alternations. University of Chicago Press, 1993. – 366 p.

³ Leech G. Meaning and the English verb. – New York: Routledge, 2013. – 167 p.; Glasersfeld, E. von (1972) Semantic analysis of verbs in terms of conceptual situations. Linguistics 94: 90–106. <http://vonglaserfeld.com022>; Korhonen, Anna & Briscoe, Ted. (2004). Extended Lexical-Semantic Classification of English Verbs. 10.3115/1596431.1596437. https://www.researchgate.net/publication/2947783_Extended_Lexical-Semantic_Classification_of_English_Verbs; Miura A. Middle English verbs of emotion and impersonal constructions.-New York: Oxford University Press, 2015, -290 p.; Aigbedo, William. (2016). A Morpho-Semantic Analysis of Verbs as Lexical Categories. <https://www.researchgate.net/publication/309787686>; Palmer, F. R. The English verb. – New York: Longman, 1988. – 282 p.

⁴ Дрозд А. Ф. Семантические классы глаголов – производящих баз имен деятеля в современном английском языке. Электронная библиотека БГУ. Актуальные вопросы филологии, педагогики и методики преподавания иностранных языков: сборник научных трудов Выпуск 1. – 2013. – 160 с. https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/57356/1/drosd_Aktualnie_voprosi.pdf; Айрапетян Р.Р. Прототипическая, фреймовая и кластерная семантические модели группы англоязычных глаголов «verbs of putting»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Петрогорск, 2014; Мурясов. Р. Неличные формы глагола в контрастивно-типологическом видении. // Вопросы языкознания. – №4. – 2000. – С. 43-55; Тодосиенко З.В. К проблеме семантической классификации глагольной системы в разноструктурных языках. // Языкознание и литературоведение. Вестник Южно-Уральского государственного гуманитарно-педагогического университета, 2013. – С. 209-221. <https://cyberleninka.ru/article/n/k-probleme-semanticheskoy-klassifikatsii-glagnolnoy-sistemy-v-raznostrukturnyh-yazykah>; Ярема Е.В. Функционально-семантические особенности глаголов движения (на материале разносистемных языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Майкоп, 2008.

эквивалентлар масаласи А.Фёдоров, Л.Бархударов, В.Комиссаров, Ф. Саломовларнинг илмий-назарий адабиётларида⁵ ҳамда А.Ирискулов, Ш.Сирожиддинов, И.Тўхтасинов, Н.Досбаева, Т.Казаковаларнинг мақола ва тезисларида⁶ кўриб чиқилган. Ғарб луғатшунослик тажрибаси эса П.Дуркин, Б.Аткинс ва М.Рандел, Х.Ёнг ҳамда Ж.Пенгларнинг илмий-назарий адабиётларида кенг талқин қилинган⁷.

Ўзбек тилидаги феълларнинг турли лингвистик хусусиятлари ва классификациялари И.Кўчқортюев, М.Содиқова, Г.Кулиев, А.Ҳожиёв, У.Турсунов, А.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаевларнинг докторлик ишлари, монография ва дарсликларида тадқиқ этилган⁸. Сўнгги пайтларда алоҳида феъл гуруҳларини ўрганишга ва уларни қиёсий аспектда тадқиқ этишга уринишлар М.Джолдасова, М.Эргашев, Ш.Жалолова ва бошқа изланувчиларнинг диссертацияларида кўзга ташланиб турибди⁹.

Юқоридаларга таянган ҳолда ушбу диссертацияда инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг семантик типологияси, ўзаро таржимаси ва лексикографик талқинини махсус ўрганиш кўзда тутилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат педагогика институтининг “Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик ва лексикология масалалари” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

⁵ Виноградов В. Перевод: Общие и лексические вопросы. Учебное пособие. – 2-е изд., перераб. – М.: КДУ, 2004. – С.43; Бархударов Л., Рецкер Я. Курс лекций по теории перевода. – М., 2004. – С.121.

Комиссаров В. Теория перевода (лингвистические аспекты): Учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз. – М.: Высшая школа, 2006. – С.112; Саломов Ф. Адабий анъана ва бадий таржима. – Т.: Фан, 1980. – Б. 160; Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 232.

⁶ Irisqulov A. 08 Февраля 2014. Tarjima millatni jahonga tanitadi (2007) <http://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/tarjima-millatni-jahonga-tanitadi-2007>; Сирожиддинов Ш. Бадий таржимада эквивалентлик ва адекватлик. / Филология масалалари. – 2011. – 3-сон. – Б.47; Тўхтасинов И. Эквивалентлик ходисасининг тузилиши ва унинг таржима стратегияси учун аҳамияти // “Замонавий роман-герман тилшунослиги ва тилларни ўқитишда янги педагогик технологиялар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – С., 2018. – Б. 6; Досбаева Н. The modern methods of elimination of lacunas in the process of translation // “Замонавий роман-герман тилшунослиги ва тилларни ўқитишда янги педагогик технологиялар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – С., 2018. – Б. 148; Kazakova T. Strategies of Literary Translation, Journal of Siberian Federal University. Humanities & Social Sciences 12 (2015 8) 2842-2847., St. Petersburg State University 7/9 Universitetskaya nab., St. Petersburg, 199034, Russia, Received 28.08.2015, received in revised form 18.09.2015, accepted 17.10.2015.

⁷ Heming Yong, Jing Peng. Bilingual lexicography from a communicative perspective. John Benjamins Publishing company.2007. 2230 p.; Durkin P., The Oxford handbook of lexicography, Oxford University Press, 2016. – 698 p. Atkins V. and M.Rundell. The Oxford guide to practical lexicography. Oxford University Press, 2008. – 540 p.

⁸ Содиқова М. Феъл стилистикаси. – Т., 1975. – 108 б.; Кулиев Г. Глагольное управление тюркских языков. – 1968. – 91 б.; Кучкартаев И. Семантика глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ): Дисс. ... д-ра. филол. наук. – Т.: Фан, 1977. – 168 с.; Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. – Т.: Фан, 1966. – 223 б.; Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –400 б.

⁹ Джолдасова Г. Ҳозирги замон инглиз тилидаги иш-ҳаракат билдирувчи поливалент феълларнинг когнитив жиҳатлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2018; Эргашев М.Р. Сиёсий дискурда қўлланувчи боғловчи феълларнинг функционал-семантик тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Фарғона, 2020; Жалолова Ш. М. Инглиз ва ўзбек тилларида феъл турларининг чоғиштирма тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг контекстуал таржима муқобилларини топиш ва лексикографик талқинини амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларини систематик таҳлил қилиш, синонимик алоқаларини топиш орқали уларнинг лексик-семантик вариантларини аниқлаш;

бадий таржимада асар поэтикаси, руҳиятга эстетик таъсири, мақсади ва контекстуал мазмун бутунлигини сақлаб қолган ҳолда муқобилликка эришиш муаммосини ечиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг фаол ва нофаол таржима луғатларида талқин этилиши тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда намунавий микроструктурасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги луғатлар, бадий асарлардан олинган нутқ феълларининг мавжуд лексик-семантик вариантлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феъллари синонимик қаторларининг лексик-семантик таҳлили, ўзаро таржимадаги тўғри муқобилини топиш билан боғлиқ муаммолар, мавжуд таржима луғатлари микроструктурасидаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, контекстуал-компонент, денотатив ҳамда коннотатив ёндашув таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги бир хил шаклга эга (колексификациялашган) нутқ феълларининг семантик-синтагматик табиатидаги фарқли жиҳатлари туфайли уларнинг тил фойдаланувчиси онгида фоносемантик ассоциациялар ҳосил қилиши ҳамда лексик ифодаланишида номувофиклик даражасининг юқори эканлиги аниқланган;

юқори лексик эквивалентлик касб этувчи инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг ўзаро контекстуал-стилистик таржимасини лексик-синтактик трансформациялар орқали мувофиқлаштириш зарурлиги таржима қилинаётган асар бадий руҳи ва савиясини сақлаб қолишда шартланиши асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг нутқий ҳаракат ифодаловчи ибораларнинг жуда паст муқобиллик даражасини намоён этишида нутқ феъллари универсал ҳодиса бўлиши, маданият омили шакллантирувчи куч сифатида воқеланиши далилланган;

фаол ва нофаол табиатига кўра таржима луғатларининг турлича микроструктура тамойиллари (оғзаки ва ёзма ахборот яратиш, оғзаки ёки ёзма матнни талқин қилиш) асосида яратилиши уларнинг коммуникатив функциясининг бажарилишидаги муҳим шарт эканлиги ғарб лексикографияси тажрибасига таянган ҳолда нутқ феъллари мисолида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг янгича семантик таснифлари яратилган ва уларнинг чоғиштирма тавсифи келтирилган;

тиллараро бадий таржима қийинчиликларини юзага келтирадиган лингвистик ва экстралингвистик омиллар аниқланиб, нутқ феъллари мақбул таржимасини мувофиқлаштириш усуллари илгари сурилган ҳамда услубий-контекстуал эквивалентлар аниқланган;

янги андозаларга мос таржима луғатлари нуқтаи назаридан нутқ феъллари учун луғат микроструктурасини яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган;

нутқ феълларининг электрон дастур кўринишидаги инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча таржима луғати яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ҳамда халқаро доирадаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар материаллари, ОАК тасарруфидаги махсус журналлар ва хорижий илмий журналларда эълон қилинган мақолалар, хулосаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқотда қўлланилган усуллар фактик материаллар ҳамда луғатлар асосида изоҳланганлиги, тадқиқот мавзусининг жаҳон тилшунослиги қўлга киритган энг сўнгги илмий янгилıklar асосида бойитилганлиги, ишда муаммо аниқ қўйилиб, хулосалар асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти маданиятлараро мулоқот мураккабликлари, тиллараро таржима масалаларини ўрганиш ҳамда шу соҳага доир кейинги изланишлар учун назарий аҳамият касб этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун “Прагматика”, “Психолінгвистика”, “Социолінгвистика”, “Стилистика” ўқув курслари, ўрта таълим “Инглиз тили” ўқув предмети бўйича маъруза матнлари, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тузишда, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, луғатлар яратишда ва шунингдек, таржима амалиётида муҳим манба бўлиб хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг семантик типологияси, ўзаро таржимаси ва лексикографик талқинини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг семантик хусусиятлари, коннотатив-баҳо муносабатлари ва семантик-тематик таснифларидан ҳамда халқ оғзаки жанрларидан дoston, мақол, матал, эртақ, кўшиқ кабилар тил ва маданият муносабатларини акс эттирувчи бирликлар сифатида намоён бўлишига доир хулосалардан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти томонидан 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 5 февралдаги 17-01/287-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида тайёрланган илмий мақолалар, монографияларнинг ҳамда фольклор асарларининг тил хусусиятларини ўрганишга оид олиб борилган изланишлар илмий савияси юксалтирилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг семантик таҳлили ва замонавий луғатлардаги микроструктураси тамойилларидан ҳамда инсон қиёфаси, феъл-атвори ва индивидуал характер хусусиятларини поэтик шаклда миллий тимсоллар тасвири орқали тадқиқ этишга оид хулосалардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде бажарилган I-ОТ-2019-42 “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 7 январдаги 89-03-77-сон маълумотномаси). Натижада миллий-маданий табиатни намоён этувчи нутқ феълларининг тиллараро ўзаро мувофиқ таржимаси муаммоларини очишга эришилган;

таржимада функционал-стилистик эквивалентликка эришиш борасидаги тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси томонидан ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини ҳамда ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасининг 2021 йил 26 январдаги 4/1-18-сон маълумотномаси). Натижада нотариал ҳужжатларнинг мувофиқ таржимаси амалга оширилган, бу жараёндаги ғализликларга барҳам берилган ва таржима қилинган маълумотлар савияси оширилган;

оммада тиллараро мулоқот маданиятини шакллантириш компетенцияларини ривожлантириш, чоғиштириш асносида аксар нутқ феълларининг тиллараро ўзаро бир хил ёки жуда ўхшаш семаларни ифодалаш, яъни юқори лексик эквивалентликка эгаллиги, нутқий ҳаракат ифодаловчи иборалар жуда паст муқобиллик даражасини намоён этиши ҳақидаги фикр ва тавсияларидан Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Янги кун”, “Қадрият”, “Мозийга назар”, “Ижтимоий ҳаёт” кўрсатувлари ҳамда “Жавондаги жавоҳир”, “Кун мавзуси” радиоэшиттиришларида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 11 февралдаги 04-15/313-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар ўзбекча-инглизча мулоқот маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ва тиллараро таржима техникаларига оид назарий маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари юзасидан 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик

диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шулардан, 4 та республика ҳамда 4 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Умумий ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати далилланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг семантик типологияси”** деб номланувчи биринчи бобида инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг янги семантик классификацияси, ижобий ва салбий коннотациялари, фоносемантик хусусиятлари ўрганилган. Шу билан бирга, нутқ ҳаракатини ифодаловчи ибораларнинг икки тилдаги қиёсий семантик таҳлили берилган.

Семантик типология турли тиллар борлиқни концептларга ажратишидаги тафовутларни ўрганади. Бошқача қилиб айтганда, бу лингвистиканинг тиллараро маъно тушунчасини типологик нуқтаи назардан тадқиқ этувчи соҳаси ҳисобланади.¹⁰ Тиллараро маъно тушунчасини ўрганиш тил, маданият ва идрокнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ўрганиш демак. Шундан келиб чиқиб, унинг лингвистика билан антропология, психология каби бошқа фан соҳалари ўртасидаги интердисциплинар табиати юзага чиқади. Унинг, айниқса, когнитив тилшунослик билан боғлиқлиги яққол намоён бўлади.

Тилшуносликнинг барча жабҳалари ичидан айнан семантикада тилдаги маданий ривожланиш туфайли бўладиган ўзгаришлар яққол намоён бўлади. А.Вербицкая уни “маъно оламининг кўзни қамаштирадиган гўзаллиги” деб тасвирлайди¹¹. Спитцернинг таърифи билан айтганда эса, “мазмун маданий иқлимнинг энг яхши барометридир”¹². Аммо тилнинг ифода планидаги бирликлари (морфема, сўз ва гап) қанчалик кўп тадқиқ этилган ҳамда аниқ қолипларга тушадиган, тизимлашган, қонуниятларга бўйсунадиган бўлса, унинг мазмун планидаги бирликлари (семемалар) ҳали тўлиқ ва муфассал ўрганилмаган ҳамда тизимлашганликдан кўра контекстуаллик хусусиятига эга. “Тилда мавжуд чексиз тушунча ва категориялар ичидан кўпчилиги хилма-хил, мавҳум ва аниқ сарҳадларга эга эмаслиги билан ажралиб туради. Жуда кам қисмигина нисбатан яқинроқ чегараларга эга бўлиб, холисона

¹⁰ Koptjevskaja-Tamm, M., 2008. Approaching lexical typology. In: M. Vanhove, ed., 2008. pp. 3–52.

¹¹ Wierzbicka A. Semantics : primes and universals - New York: Oxford University Press, 1996.-P.233

¹² Spitzer Leo; Essays in historical semantics. New York: Russell and Russell; 1947

ўхшашлик ва фарқлар асосида тадқиқ қилинса бўлади”, – дея эътироф этади Дэвид Люис¹³. Шунга кўра, тиллараро мазмунни чоғиштиришнинг ўзига хос қийинчиликлари кўзланган мақсадга эришишда тўсқинлик қилиши мумкин. Эванснинг фикрича, лингвистиканинг мазмун шарҳи билан қизиқадиган ушбу соҳаси фундаментал бирлик сифатида ўзига белги (the sign) бирлигини танлайди¹⁴. Белги тушунчасининг ўзи замирида бирдан ортиқ маъноларга эга бўлиб, биргина лингвистиканинг турли соҳалари нуқтаи назаридан турлича талқин қилинади. Ушбу тадқиқотда семантик типологиянинг воситачи бирлиги сифатида лексемага эътибор қаратилади. Шу ўринда семантик типологиянинг лексик типология билан алоқадорлиги ҳам намоён бўлади.

Тадқиқот вазифасини нутқ ҳаракати кичик микродомени феъллари тадқиқи ташкил этади. Нутқ феълларининг муфассал семантик типологиясини тилшунос олим И.Қўчқортоев амалга оширган. И.Қўчқортоев ўзбек тилидаги нутқ феълларини 8 та мазмуний гуруҳга ажратади¹⁵.

Инглиз тилида мавжуд барча феъллар семантик классификациясига ҳисса қўшган асосий тилшунос сифатида Б.Левинни тилга оламир¹⁶. Инглиз тилида нутқ феълларини алоҳида тадқиқот объектига айлантирган айтарли изланишлар кўзга ташланмайди.

Нутқ феъллари ҳар қандай муомаладаги тил лексиконининг актив сегменти ҳисобланади. Уларнинг кундалик қўлланилиш частотаси деярли барча услубларда юқори ва айниқса улар жонли риторикани асосий воқеалаштириш қуролига айлантирган бадиий адабиётнинг ажралмас қисмидир. Нутқ феъллари инсонга хос жамики кайфият, руҳий эмоционал ҳолатни ўзида акс эттириб, турланиб, сон жиҳатидан анча катта бўлган лексик гуруҳни вужудга келтирган. Типологик тадқиқот диққат марказида бўлган ҳар иккала тил ҳам лексик компонентларга бой **нутқ феъллари** гуруҳига эга ва бу уларни турли ракурстан системалаштирган ҳолда ўрганишга бўлган эҳтиёжни оширади:



1-расм. Инглиз тилидаги нутқ феълларининг семантик классификацияси

¹³ Lewis D. Putnam's paradox // Australasian Journal of Philosophy. 1984— Т. 62, вып. 3. — С. 221—236.

¹⁴ Nicholas Evans. Semantic typology our uncorrected proof – first proof, 8/3/2010, SPi

¹⁵ Қўчқортоев И. Сўз валентлиги ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 3-сон, 32-37 б.

¹⁶ Levin. B. English verb classes and alternations. University of Chicago Press, 1993.- 366 p.

1-жадвал. Инглиз тилидаги нутқ феълларининг семантик классификацияси.

Аҳамиятсиз контент феъллари	Ахамиятсиз контент феъллари	Номақбул контент феъллари
Chatter, blather, twitter, blunder, piffle, maunder, gas, natter, babble, prattle	Юқори тембр феъллари	Акустик феъллар
fumble, blunder, stammer, stutter, mumble, gabble, burble, jabber	Паст тембр феъллари	
Twitter, cry, call, shriek, roar, yell, shout, scream, cheer, exclaim, bark	Давомий нутқ феъллари	Йўналишли феъллар
Hiss, whisper, mutter, rumble, mumble, murmur, grunt, growl, burble	Тезкор нутқ феъллари	
Blather, yap, chatter, gas, natter, patter, jabber	Бир томонлама нутқ	Тақдирот феъллари
Twitter, gabble, babble, patter, jabber	Икки томонлама нутқ	
Speak, talk, joke, address	Олдинга йўналган нутқ	Рухий-физиологик экпрессив феъллар
Talk, converse, communicate, advise with, consult with, counsel with, chat	Орқага йўналган нутқ	
Ask, beg, consult, query, inquire, require, request, appeal	Хабарлаш феъллари	Муносабат феъллари
Answer, reply, respond, retort	Маслаҳат феъллари	
Say, report, tell, present, explain, announce, declare, utter, inform, comment, add, describe, express, illustrate, lie, state, narrate	Ғийбат феъллари	Муносабат феъллари
Advise, admonish, recommend, counsel, suggest	Ғазаб ифодаси феъллари	
Gossip, tattler, reveal, blurt	Оғриқ ва қайғу ифодаси феъллари	Муносабат феъллари
Hiss, mutter, groan, grunt, rebuke, disapprove, growl	Шикоят феъллари	
Moan, groan, grunt, whimper	Танқид феъллари	Муносабат феъллари
Grumble, mutter, rumble, murmur, moan, groan, yap	Ҳақорат феъллари	
Reprimand, rebuke, reproach, scold, criticize	Мақтов феъллари	Муносабат феъллари
Insult, offend, swear, disrespect	Хитоб феъллари	
Praise, glorify, extoll, magnify		
Urge, challenge, inspire, encourage, instruct, persuade, order, command, convince		

Мазкур классификациямиз юзасидан баъзи зарурий шарҳларни келтириб ўтамиз:

– кенг қамровли семантик табиати туфайли бир феълнинг бир неча гуруҳларга киритилганини кўриш мумкин; бу мақсадли равишда амалга оширилган бўлиб, кўзланган нутқий ҳаракат феълининг семантик характеристикасини батафсил ўрганиш имконини беради;

– мазкур классификация бунга қадар амалга оширилган таксономияларга назарий жиҳатдан зид келмайди, аксинча, нутқ феълларини бошқача усулда тадқиқ этади.



2-расм. Ўзбек тилидаги нутқ феълларининг семантик классификацияси

Ушбу таснифга чоғиштирма нуқтаи назардан эътибор қаратилса, ўзбек тилидаги нутқ феълларининг яна бир гуруҳга категориялаштирилганлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб *демоқ* феълининг мавжуд категориялардан ҳеч бирининг семантик мезонларига мос келмаганлигидадир. Ушбу феълнинг инглиз тилидаги *say* феълидан синтагматик фарқ қилиши семантик хусусиятларининг ҳам тафовутланишига ва натижада, алоҳида гуруҳни ташкил этишига олиб келди. Инглиз тилидаги муқобили ўтимли феъл ҳисобланиб, *say a word, say for certain/sure, say goodbye, say hello, say no more, say nothing, say something, say sorry* каби бирикмалар ҳосил қилади ва ушбу аргументлари воситасида гапта “феъл+воситасиз тўлдирувчи” синтагматик муносабатини ифодалайди: – *Small children find it difficult to say long words. // – She said goodbye to all her friends and left*¹⁷.

Аммо ўзбек тилидаги *бир нима демоқ, хайр демоқ, узр демоқ* бирикмаларининг синтагматик хусусиятлари инглиз тилидаги эквиваленти билан ҳамоҳанг эмас. Қўштирноқнинг қўлланилиши аллақачон кейинги иккита мисолда *демоқ* феълининг муаллиф нутқи феъли вазифасида қўлланганини намоён қилмоқда. *Бирнима демоқ* бирикмасида ҳам олмошнинг кўчирма гап ўрнида қўлланганлигини аниқлаш қийин эмас. Бунинг учун ўша ўриндош кўчирма гапни тиклаш кифоя: – *Бирнима десанг-чи. “Ҳаммаси ўзимнинг айбим билан бўлди”, – десанг-чи.*

¹⁷ <https://dictionary.cambridge.org/ru/say>

2-жадвал. Ўзбек тилидаги нутқ феълларининг семантик классификацияси.

Аҳамиятсиз контент феъллари	Номақбул контент феъллари	Акустик феъллар	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Бидирламоқ, валдирамоқ, вайсамоқ, лақилламоқ	Аҳамиятсиз контент феъллари	Юқори тембр феъллари	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Ғудранмоқ, ғўлдирамоқ, дудукланмоқ, ғўнғилламоқ, узук-юлук гапирмоқ	Тушунарсиз контент феъллари	Паст тембр феъллари	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Бақирмоқ, бўқирмоқ, қичқирмоқ, ирилламоқ, ақилламоқ, қаққилламоқ, шақилламоқ, шанғилламоқ, ўқирмоқ, додламоқ, наъра тортмоқ, хайқирмоқ	Юқори тембр феъллари	Бир томонлама нутқ	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Пичирламоқ, шивирламоқ, пишилламоқ	Паст тембр феъллари	Икки томонлама нутқ	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Ҳазиллашмоқ, мурожаат этмоқ, юзланмоқ	Бир томонлама нутқ	Олдинга йўналган ҳаракат	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Сухбатлашмоқ, кенгашмоқ, маслаҳатлашмоқ, гаплашмоқ, гурунглашмоқ, хангомалашмоқ, валақлашмоқ	Икки томонлама нутқ	Орқага йўналган ҳаракат	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Сўрамоқ, суриштирмоқ, кизикмоқ, илтижо қилмоқ, илтимос қилмоқ, ёлвормоқ, ўтинмоқ	Олдинга йўналган ҳаракат	Хабарлаш феъллари	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Жавоб бермоқ, муносабат билдирмоқ, фикр билдирмоқ	Хабарлаш феъллари	Маслаҳат феъллари	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Айтмоқ, билдирмоқ, ифодаламоқ, таъкидламоқ, урғу бермоқ, кўшимча қилмоқ, тушунтирмоқ, такдим этмоқ, эълон қилмоқ, маълум қилмоқ, шарҳламоқ, изоҳламоқ, тушунча бермоқ, баён қилмоқ, сўйламоқ, сўзламоқ, гапирмоқ	Маслаҳат феъллари	Ғийбат феъллари	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Маслаҳат бермоқ, насиҳат қилмоқ, йўл-йўриқ кўрсатмоқ, ақл бермоқ	Ғийбат феъллари	Ғазаб ифодаси феъллари	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Ғийбат қилмоқ, гап қилмоқ	Ғазаб ифодаси феъллари	Оғриқ ва қайғу ифодаси феъллари	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Ғазаб қилмоқ, ўдағайламоқ, ўшқирмоқ	Оғриқ ва қайғу ифодаси феъллари	Шикоят феъллари	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Нола қилмоқ, ух тортмоқ, инграмоқ, чинқирмоқ, войвойламоқ	Шикоят феъллари	Танқид феъллари	Йўналишли феъллар	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Минғирламоқ, тўнғилламоқ, дўнғилламоқ, шикоят қилмоқ, хангилламоқ, жаврамоқ, жирилламоқ	Танқид феъллари	Ҳақорат феъллари	Йўналишли феъллари	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Танқид қилмоқ, пичинг қилмоқ, кесатмоқ, захарханда қилмоқ, қопмоқ, киноя қилмоқ	Ҳақорат феъллари	Мақтов феъллари	Йўналишли феъллари	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Ҳақорат қилмоқ, масҳара қилмоқ, калақа қилмоқ, майна қилмоқ, урушмоқ, сўкмоқ, қарғамоқ, дашном бермоқ, дакки бермоқ	Мақтов феъллари	Хитоб феъллари	Йўналишли феъллари	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Мақтамоқ, алқамоқ, олқишламоқ, кўкка кўтармоқ	Хитоб феъллари	Муаллиф нутқи феъли	Йўналишли феъллари	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Хитоб қилмоқ, ундамоқ, чорламоқ, буюрмоқ, кўрсатма бермоқ, кўндирмоқ, руҳлантирмоқ, рағбатлантирмоқ, чақирмоқ	Муаллиф нутқи феъли		Йўналишли феъллари	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари
Демоқ			Йўналишли феъллари	Такдимот феъллари	Рухий-физиологик экспрессив феъллар	Муносабат феъллари

Бошқа феълларда жараён фарқли кечади. Чоғиштириш мақсадида, дейлик, ахборот тақдимоти феълларини мисол қилиб келтирамиз: – *Бирнима айтиб берсанг-чи. Бирор қизиқарли воқеами, хангомами айтиб берсанг-чи.*

Равшанки, ўзбек тилидаги *демоқ* нутқ феъллининг ягона ва муҳим вазифаси муаллиф нутқини баён қилишдир. Шу сабабдан, уни ҳақли равишда “муаллиф нутқи феъли” микрокатегориясига киритдик.

Яна бир муҳим тафовутни акустик феълларда кўриш мумкин. Инглиз тили акустик феъллари категориясидаги *Давомий* ҳамда *Тезкор феъллар* ўзбекча классификацияда мавжуд эмас. Бунга сабаб ушбу микрокатегория мезонларига мутлақо мос феълларнинг йўқлигидадир. Бу инглиз тили нутқ феълларининг кўпроқ семантик компонентларга эгалигидан далолат беради. Умуман олганда, бу аналитик тилларга хос бўлган хусусият саналади. Инглиз тилидаги *уар, blather, chatter, patter, gas, natter, burble* феъллари шу ҳолича нутқнинг ёқимсиз тарзда давомийлигига, *twitter, patter, gabble, babble, jabber* феъллари эса тезкорлигига ишора қила олади. Ўзбек тилида эса ихтиёрий нутқ ҳаракатининг давомий ёки тезкор амалга оширилганини ифодалаш учун *роса, бир соат, кун бўйи* (давомийликка ишора), *нафас олмай, автоматдай* (тез гапиришга ишора) каби қўшимча лексик воситалар қўлланилиши талаб этилади. Албатта, ўзбек тилида ҳам *вайсамоқ, валақламоқ* феъллари орқали нутқнинг ёқимсиз давомийлигига қисман ишора қилиш мумкин, аммо давомийлик элементини яққол кўрсатиш учун барибир қўшимча лексик воситаларга эҳтиёж сезилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг ўзаро таржимаси**” деб номланиб, бу бобда адабий таржима табиати, бундаги лингвистик ва экстралингвистик контекстнинг аҳамияти, инглизча-ўзбекча ҳамда ўзбекча-инглизча таржимадаги номутаносибликлар ва уларни лексик синтактик трансформация воситасида мувофиқлаштириш каби масалалар ёритилган. Бу мақсадда инглиз ва ўзбек адабиёти дурдона асарларидаги нутқ феълларининг амалий контекстуал семантик таҳлили олиб борилди.

Инглиз лексиконидаги нутқ феълларининг лексик-семантик таҳлили объекти сифатида Ф.С.Фицджеральднинг “Буюк Гетсби” асари танланди.¹⁸ Асар лингвистик хусусиятлари тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, унда нутқ феълларининг асосан кўчирма гап таркибидаги муаллиф гапи кесими вазифасида қўлланганини кўрамиз. Асардаги пинҳоналик кайфиятини, ҳиссиётлари чалкашган, ақли шошган қахрамонлар беқарор руҳий ҳолати суратини чизиш мақсадида улар нутқининг мужмаллиги, овоз тембрининг пастлиги махсус нутқ феъллари танлови асосида амалга оширилган.

Инглизча бадий матн контекстидаги нутқ феълларини ўзбек тилига ўгириш асносида уларнинг тобе-ҳокимлик муносабати ўзгариши кузатилади: “*Her husband said: “Sh!” and we all looked at the subject again... (p. 32) //*

¹⁸ Френсис Скотт Фицджеральд, Н. А. Самуэльян, Великий Гэтсби/The Great Gatsby. – М., 2016. – 256 с.

(“Эри жим ишорасини берди ва барчамиз яна диққатимиз марказидаги одамга қарадик”.)

Юқоридаги жумлада манба-тилдаги кўчирма гап ўзбек тилида ихчам содда гап тарзида ўзлаштирилди (синтактик интеграция).

“*What I say is, why go on living with them if they can't stand them?*” (p. 33) // “*Айтмоқчиманки, бир-бирига тоқати йўқ одамларнинг бирга ҳаёт кечиришида нима маъно?*”

Навбатдаги ҳолатда инглиз тилидаги мураккаб кесим эргашган гап ўзбекча таржимаси асносида тўлдирувчи эргашган гап қиёфасини олди. Буни тилларнинг фарқли синтактик хусусиятлари билан асослашимиз мумкин.

Асардаги пинҳоналик ва муҳаббат можаролари *turtur, mutter, tumble* ва *whisper* нутқ феъллари воситасида ифодаланади: “*I was almost surprised into turturing an apology for having disturbed her by coming in*”. (p. 10) // “*Ҳаяжонланганимдан таширифим билан уни безовта қилганим учун гудурлаб узр ҳам сўрадим*”.

Таржима қилинган жумлага синтактик таҳлил назари ила қарасак, тобе-ҳокимлик муносабатининг ўзгарганини кўришимиз мумкин: *turtur an apology* (феъл +воситасиз тўлдирувчи) ва *гудурлаб узр сўрамоқ* (равишдош +феъл). Бу ўринда ҳаяжон туфайли тил айланмай гудурлаш англашилса, қуйидаги гапда овоз пастлигига ишора қилувчи пичирламоқ таржимада мақбул вариант саналади: “*Dimly I heard someone turtur “Blessed are the dead that the rain falls on*”. (p. 162) “*Кимнингдир “Тобутига ёмғир ёққанлар худо ёрлаққан инсонлардир,” деб пичирлаганини гира-шира эшитдим*”. Ушбу феълнинг турли грамматик категорияларда бир гапда қўлланганини ҳам кўриши мумкин: “*It was testimony to the romantic speculation he inspired that there were whispers about him from those who had found little that it was necessary to whisper about in this world*”. (p. 43) // “*Сал гап монса гуйбат қиладиганлар томонидан пичир-пичир гапларнинг тарқалгани у сабабчи бўлган ишқий миш-мишларга исбот эди*”.

Инглиз тилидаги аксар бир компонентли нутқ лексемалари ўзбек тилига кўшма сўз шаклидаги муқобиллари кўмагида ўгирилади: “*I like your dress,*” remarked Mrs. McKee”. (p. 31) // “*Менга либосингиз ёқди,*” деб такалуф кўрсатди Mc Kee хоним... // “*You have died your hair since then,*” remarked Jordan, and I started, but the girls had moved casually on... (p. 41) // “*Ундан буён сочингизни бўябсиз чоғи*” гап таишлади Жордан ва сўнг мен гап бошладим, қизлар эса бепарво юриб кетишди...

Ўзбек тилида расмий услубга тегишли аксар нутқ феъллари инглиз тилида нейтрал кундалик истеъмол доирасига киради: “*I’m going to have the McKees come up,*” she announced as we rose in the elevator. (p. 29) // “*Мак Киларни таклиф фильмоқчиман,*” деди лифтда кўтариларканмиз. // “*I almost made a mistake, too,*” she declared vigorously. (p. 34) // “*Менинг ҳам ҳато қилишимга сал қолган,*” дадил гапирди у.

“Бақирмоқ” гуруҳи феълларининг аксариятида шу номли ўзбек семантик гуруҳи феълларидаги салбий бўёқ йўқ. Шу сабаб кундалик муомалада фаол қўлланилади: *“Good night,” called Miss Baker from the stairs. “I haven’t heard a word.”* (p. 20) // “Хайрли тун,” деди баланд овозда Бейкер хоним зинадан туриб. “Битта ҳам сўзингизни эшитмадим деб ҳисоблаймиз.”

Инглиз тилидаги баъзи нутқ феъллари орқали ифодаланган маънони акс эттирувчи ўзбекча лексемаларнинг йўқлиги (лакунария) тавсифий-тасвирий эквивалентга эҳтиёж туғдиради: *“I wouldn’t ask too much of her,” I ventured.* (p. 104) // “Ундан кўп нарса талаб қилмаган бўлардим,” дедим ҳаддим сизиб.

Venture лексемаси кўчирма гап табиатига кўра “ҳадди сиғиб гапирмоқ, сўрамоқ, фикр билдирмоқ” мазмунларини англатади. Таржимада айнан *ҳадди сизиб* равишдоши орқали лексема моҳиятини очиб берамиз.

Инглиз тилидаги таянч маъноси бошқа бўлган сўзларнинг маъно кўчиши натижасида нутқ феъллари вазифасини бажариши кузатилади. Масалан, *explode* (портламоқ) феълнинг асли нутқ жараёнига алоқаси йўқ. Аммо маъно кўчиши асосида инглиз тилида тўсатдан ҳаяжонли руҳий ҳолатда гапириб юборишни ифодалайди: *“You are crazy!” he exploded.* (p. 122) // “Эсингни еб қўйипсан!” деб бақириб юборди у тўсатдан.

Бу ҳолат *snap* нутқ феъли табиатида ҳам намоён бўлади. Таянч маъноси асли “қарсиллатиб синдирмоқ” бўлган бу лексема нутқ ҳаракатининг ўткирлигини ифодалаб, уни ўзбек тилига *чақиб олмоқ* метафорик эквиваленти асосида ўгириш мақсадга мувофиқ бўлади: *“Keep your hands off the lever,” snapped the elevator boy.* (p. 37) // “Дастакдан қўлларингизни олинг,” деб чақиб олди лифтёр бола.

Инглиз тилидаги хусусий маъноли нутқ феълларининг умумий маъноли ўзбекча варианты воситасида ўгирилиши ҳолати юзага келади: *“I don’t think it’s so much that,” argued Lucille skeptically...* (p. 42) // “Унчалик бўлмаса керак,” ишонқирамай сўзлади Люсил...

Инглиз тилидаги нутқ феълларининг фразеологик birlikлар воситасида таржима қилиниши кўп учрайдиган ҳодиса саналади: *“I was about to speak when she sat up alertly and said “Sh!” in a warning voice”.* // “Сўзлагани оғиз жуфтлаган эдим ҳамки, у ҳушёр тортиб, жим ишораси билан оғзимни ёнди”.

Таҳлил жараёнида ўзбек адабиёти дурдоналари орасидан Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи танланди.¹⁹ Бадиий асар матнида қўлланган нутқ феъллари борасида хусусий мушоҳада юритилганда, улар орасида турли одатий ҳамда архаик қўлланилиш ҳолатларининг мавжудлиги, ижобий ва салбий коннотацияларга эгаллиги, кўп сонли иборалар ҳамда мақоллар асосида ифодаланганлиги, бир жумлада такрорий, синонимик ҳамда антонимик компонентларнинг мақсадли қўлланганлиги ва бошқа кўплаб лингвистик маълумотларга гувоҳ бўлинди. Бу мураккаб лингвистик

¹⁹Қодирий А. Меҳробдан чаён. – Т.: “Шарқ”, 2007. – 256 б.

жараённи қуйидаги А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асаридан келтирилган жумлалар хусусий таҳлили орқали асослашга ҳаракат қилинди.

А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарида муаллиф томонидан ҳосил қилинган салбий коннотатив нутқ феъллари мавжуд (*тиқиллатиб ўтмоқ, замзама сўзламоқ* ва ҳоказо) ва улар услубий-экспрессив эквивалентлар билан мувофиқлаштирилса-да, манба-тилдаги ўзбекона хиссий-таъсирчанлигини йўқотади: “*Самад бўқоқнинг бу сўнгги гийқиллашида томоғи остидаги йўгон томурлари туртиб чиқди. (66-б.) // “At his last creaky natter, Samad buqaq` s veins in his neck bulged”*”.

Романда хусусий маъноли исломий тушунча ифодаловчи нутқ феъллари(азон айтмоқ, намоз ўқимоқ ва ҳоказо) ҳам бўлиб, уларнинг аксарияти сўнгги пайтларда онлайн таржима луғатларида ўз инглизча талқинини топди: “*Меҳмон ҳам такаллуфланмай домланинг орқасидан меҳмонхонага кирди, ўлтурушдилар, сўнг фотиҳа ўқулди. (25-б.) // “The guest entered the living room without any formalities following the master, they sat together, and then recited the Fatiha”*”.

Демоқ нутқ феъли инглиз тилидаги муқобилидан-да кўпроқ лексик ва грамматик маъно ифодалайди: 1)Қуйидаги жумлада “санамоқ, ҳисобламоқ” мазмунини ифодалайди: “*...Укаларингни бола десам, сен улардан ҳам ошиб тушасан!*” (6-б.) // *If to consider your brothers children, you are even less mature than them.*” 2)Муаллиф гапи кесими таркибидаги насихатомуз деди “равиш+кесим” структураси лексик трансформацияга учраб, бир компонентли лексик бирлик билан алмаштирилади: “*Сен мундан кейин кичкина бўлмайсан қизим, Раъно,*” деди маҳдум насихатомуз. (7-б.) // “*You are not going to behave childishly from now on, Rano, my darling,*” exhorted Mahdum. 3)Инглиз тилидаги that боғловчисига вазифадош саналади: “*... кўб болаларнинг умрини зойиъ қиляпти, деб эшитаман...*” (17-б.) // “*I hear that he is wasting many children` s time...*” 4)Қиритма гап функцияси юзасидан ҳам инглиз тили билан муштараклик касб этади: “*Яъни, демакчиманки, бу вазифа тамаъида ўн ... йиллаб кўзини тўрт қилиб келган муншилар, муфти ва шоирлар бор.*” (39-б.) // “*That is to say there are ... munshis, muftis and poets who have been looking forward to this position for tens of years.*” 5)“Маъно англлатмоқ” мазмунига мувофиқ қўлланилади: “*Мазалиқ нима деган сўз,*” деди Анвар,... (62-б.) // “*What does “tasty” mean,*” said Anvar,... 6)Равишдош (инглиз тилида сифатдош) воситасидаги эргашган қўшма гап таркибида қўлланилади: “*..., масъулият маним бўйнимдан соқит бўлди, деб тинчланиш мумкин эмасдир.*” (64-б.) // *...it is not right to calm down thinking you have taken your part of responsibility...*

Бадий асар матнида нутқ ҳаракатини иборалар, турғун бирикмалар ва халқ мақоллари воситасида ифодалаш юқори даражада бўлиб, уларнинг таржимаси аксар ҳолларда оддий нутқ лексемалари билан мувофиқлаштирилади: “*...ҳозир бу гапни оғзига олмай қўйди*”. (49-б.) // “*... he*

